

Ошкора даъват



18:05 / 18.12.2019 3189

(нубувватнинг 4-йили иккинчи ярми; милодий 613 йил)

Яширин даъватдан ошкорага ўтиш ҳам Аллоҳ таолонинг амри ила бўлди. У Зот Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга қуйидаги икки оятни нозил қилди:

«Яқин қариндош-уруғларингни ҳам огоҳлантир. Ва сенга эргашган мўминларга қанотингни пастлат» (*Шуъаро сураси, 214-215-оятлар*).

Ушбу икки оят нозил бўлганидан кейин Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тепалигига чиқиб: «**Йаа собааҳааҳ!**» (*Араблар бу сўзни эрталаб тонг саҳарда душман бостириб келаётганини билдириш ёки эрталабдан жангга отланишни эълон қилиш учун ишлатишар эди*) деб ҳайқирдилар. Одамлар у зотнинг ҳузурларига тўпланишди. Кимдир ўзи

келди. Кимдир вакил юборди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга қараб: **«Эй Бану Абдулмутталиб! Эй Бану Фихр! Эй Бану Луай! Айтинглари-чи, агар мен сизга: «Тоғнинг ортида отлиқлар сизларга хужум қилишга шай бўлиб турибди», десам, ишонасизларми?!»** дедилар. Улар: «Ҳа, ишонамиз!» дейишди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен сизларга шиддатли азобдан олдин келган огоҳлантирувчиман»**, дедилар.

Шундай қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига нозил бўлган оятга мувофиқ, яқин қариндошларини огоҳлантира бошладилар. У зот фақат шу билан кифояланиб қолмай, энг яқин кишиларини ҳам огоҳлантирдилар.

Аввалига мушриклар индамай туришди. Кейинроқ, Исломнинг иши ривож топиб бораётганини кўрганларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши адоват қила бошладилар.

Мушрикларнинг бу душманлигига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толиб тўсиқ бўлди. У ҳамма жойда Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларини олиб, у зотни ҳимоя қила бошлади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, одамларни Исломга даъват қилишда давом этавердилар. Амакилари Абу Толиб ҳам у зотни ҳимоя қилишда бардавом бўлди.

«Ислом тарихи» биринчи китоб